

2017 йилнинг 9 ойи якунига кўра “Ўзавтосаноат” АЖида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хулоса

Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази 2017 йил 9 ойлик якунига кўра “Ўзавтосаноат” АЖида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишларини олиб борди.

Баҳолаш ишлари Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчилик, ҳамда Корпоратив бошқарув Кодекси ва “Ўзавтосаноат” АЖининг ички хужжатлари талаблари бўйича олиб борилди.

Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув Илмий- таълим маркази томонидан тасдиқланган саволнома асосида олиб борилди.

Қуйидаги жадвалда “Ўзавтосаноат” АЖида Корпоратив бошқарув кодексининг жорий этилишига берилган жамланган баҳолар натижалари келтирилган:

“Ўзавтосаноат” АЖида Корпоратив бошқарув кодексининг жорий этилишига берилган жамланган баҳолар натижалари

№	Йўналиш	Саволлар сони	Йиғиладиган баллар		Ҳақиқий баҳо
			минимум	максимум	
1	Корпоратив бошқарув Кодексини татбиқ этишга тайёргарликнинг баҳоси	13	-135	135	135
2	Корпоратив бошқарув Кодексига амал қилишнинг баҳоси	37	-360	360	145
3	АЖ ташкилий тузилмаси мувофиқлигининг баҳоси	3	-30	30	25
4	Конкурс танловининг баҳоси	5	-45	45	-5
5	МСФО ва халқаро аудит стандартлари бўйича эълон қилишга ўтишнинг баҳоси	3	-50	50	50
6	Замонавий бошқариш тизимларини (ISO,ERP,НИОКР ва бошқалар) ни	5	-55	55	-35

	татбиқ қилишнинг баҳоси				
7	Ахборот сиёсатининг баҳоси	5	-170	320	-18
8	Молиявий натижаларнинг баҳоси	4	-150	150	150
9	Бошқа йўналишларнинг баҳоси	25	-205	55	-20
	Жами	100	-1200	1200	427
	Фоиз шкаласида якуний баҳо				36%

Баҳолаш тақдим этилган ички корпоратив ва башқа норматив хужжатлар асосида олиб борилди. “Ўзавтосаноат” АЖида Корпоратив бошқарув тизимини ўрганиш натижалари қониқарли баҳога (427 балл ёки фоиз шкаласида 36%) мос келади.

“Ўзавтосаноат” АЖида корпоратив бошқарув тизимини яхшилаш тавсияномалари ва саволнома натижалари илова қилинади.

КБИТМ директори ўринбосари

Н.Турсунов

27.11.2017й.

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хулосага илова

Ўзавтосаноат” АЖИда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича тавсияномалар

- 1.Акциядорлик жамияти фаолиятига Корпоратив бошқарув тизимини татбиқ қилишни кенгайтириш
- 2.Сифат медеженти тизимини Акциядорлик жамияти фаолиятига киритишни тезлатиш.
3. Акциядорлик жамияти ахборот сиёсатини такомиллаштириш чораларини амалга ошириш, жумладан:саволномада кўзда тутилган корпоратив ахборотни уч тилда акциядорлик жамияти сайтида ёритилишини таъминлаш, ОАВ да акциядорлик жамияти ҳақидаги материалларни кузатиб бориш ва сайтда жойлаштириш ва ҳоказоллар.

Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази вакили Рахимов М.М.